

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (11.439)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Иллом Каримов 28
июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ
Республикаси Давлат кенгаши
раҳбарининг ўринбосари Ли
Кэцяни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. — Ташрифингиз мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилишлари муштарак эканидан яна бир ёрқин далолатдир, — деди Иллом Каримов. — Биз ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Хитой муносабатларини юксак кадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз юритганда, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабат қарор топганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Иллом Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган Екатеринбург саммити доирасида ҳам учрашиб, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболни муҳокама қилдилар.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Хитой доимо Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон Хитой учун муҳим ва долзарб масалаларда ушбу мамлакат нуктаи назарини ёқлаб келади.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар йўналишларда ҳам алоқалар фаол ривожланмоқда. 2008 йилда ўзаро савдо ҳажми қарийб 50 фоиз ўсиб, 1 миллиард 296 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Иллом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг 2008 йилдаги Пекин учрашувида 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳақида сўз борган эди.

Ўзбекистонга жалб этилаётган Хитой сармоиси ҳажмини ошириш мақсадида икки мамлакатнинг етакчи фирма ва компаниялари ўртасида мулоқотлар давом этмоқда. Муҳокамадаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритувчи 247 Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг сони йилдан-йил кўпаймоқда. Утган йили Қашқадарёда «Temur-Chin», Фарғонада «FarBaytexnoteks» қўшма корхоналари ишга тушгани бунга яхши мисолдир. «Temur-Chin» бир кеча-кундузда 3800 тона шифер ишлаб чиқарса, «FarBaytexnoteks» йилига 90 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик айниқса фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Орел денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоёвий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда. Мингбулоқ қонида нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузилган.

2007 йилда «Ўзбекистон — Хитой» газ қувурини барпо этиш ва ишлатиш тамойиллари тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома имзоланган. Қурилиш ишларини жорий йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Фестиаль, кўрғазма, маданият ҳафталиклари, турли кечалар ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.

Оқсаройдаги учрашувда Ли Кэцяни самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Хитой Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар ташаббуси

**«Камолот»
ҳаракатиغا
бирлашган фаол,
жўшқин ёшларимиз
янги хайрли ишга
қўл уришди.
Уларнинг «Тошкент
шаҳрим — гўзал
маконим» ташаббуси
Мустақиллигимизнинг
18 йиллигига ҳамда
азим шаҳримизнинг
2200 йиллигига
бағишланади.**



ТОШКЕНТ ШАҲРИМ — ГЎЗАЛ МАКОНИМ

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» — буюк келажақ сари одимлаб бораётган мустақил мамлакатимизнинг ушбу ривожланиш концепцияси ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ва бу борада, шубҳасиз, фаолияти аҳолининг турли қатламлари манфаатини таъминлашга қаратилган жамоат ташкилотларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

«Камолот» бугунги кунда жамиятимиз асосини ташкил этувчи минглаб ўғил-қизларимизни ўз сафига бирлаштирган. Усиб келаётган авлодга таянч ва суянч бўлиб хизмат қилиш учун ташкил этилган ушбу ташкилот айни пайтда юксак ишонч сари — давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Янги лойиҳа асосига бир қатор тадбирлар мажмуаси жамланган бўлиб, уларнинг амалга ошириши, камолотчилар таъбири билан айтганда, ёшларнинг Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига ва Тошкент шаҳрининг 22 асрлик тўйига муносиб тўхта бўлади.

Бу ҳақда «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим» лойиҳасининг тақдимот маросимида сўз борди. Мазкур тадбирга шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, ҳокимлик тузилмалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари раҳбарлари тақлиф этилди.

— Албатта, биз ёшларимизнинг ҳар қандай ташаббусларини қўллаб-қувватлашга тайёриэмиз. Уларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқишида, ўз меҳнатлари билан шаҳримизни янада обод ва гўзал қилиш, саҳоватпешалик ва меҳр-муруватга йўғрилган ишларида камарбаста бўлишимиз даркор, — деди Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳор Тўхтаев. — Энг муҳими, фарзандларимизнинг соғлом турмушга интилаётгани биз учун гуруридир. Қолаверса, уларнинг бу борадаги хайрли ишлари авваламбор тиним билмай куну тун хизматда бўлаётган тузилмаларга катта қўмақ бўлишини ҳам унутмаслигимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МАРКАЗ ТАҚДИМОТИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёга келаётган ҳар уч гўдақдан бири камқонлик хасталигидан азият чекмоқда.

Ҳар йили қарийб ярим миллион аёл темир моддаси танқислиги туфайли келиб чиқадиган хасталиклар натижасида турғуқ жараёнида ҳаётдан кўз юмади. Ушбу долзарб муаммоларнинг олдини олиш БМТ томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда Президентимиз Иллом Каримов ташаббуси билан тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилган ислохотлар жараёнида инсон саломатлигини асраб-авайлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўлами ва сифатини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

(Давоми 3-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Хабарот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ ТОШКЕНТ шаҳар Монополияда чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси ташаббуси билан «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўлида имтиёзлар тўғрисида» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

✓ БУГУН Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов номли маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Гўзал дёиримсан — азим Тошкентим» деб номланди.

✓ КЕЧА Тошкент Давлат иқтисодиёт университетиде ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида шаҳримиздаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари, ўқитувчилар иштирок этишди.

✓ АЗИМ пойтахтимизнинг 2200 йиллигига муносиб тўхта сифатида ташкил этилган Тошкент телевидение ва радио коллежи янги 2009-2010 ўқув йилидан ўқувчиларни қабул қила бошлайди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцяни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов билан учрашди. Учрашув давомида мамлакатларимиз ўртасида нефть-газ, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, геология, сайёҳлик, қурилиш, темир йўл транспорти каби соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

● Тошкентда 25-26 июнь кунлари «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳадаги ютуқлар ва унинг истиқболлари» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдан иборат экани таъкидланди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Хоразм вилоятида «Соғлиқни муҳофаза қилиш ва инсон ҳуқуқлари» мавзуда минтақавий семинар-йиғилиш ўтказилди.

● Асака тумани савдо ишлаб чиқариш очик акциядорлик жамияти ширин-шакар мевалар, сархил сабзавотларнинг дастлабки туркумини Челябинск шаҳрига жўнатди.

● Ўзбекистон озиқ-овқат тармоғидаги йирик корхоналардан бири «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб озиқ-овқат маҳсулотининг халқаро хавфсизлик стандартига мувофиқлиги бўйича сертификация аудитидан муваффақиятли равишда ўтди.

● Республика Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти томонидан атроф-муҳит учун безарар «ЎЗДЕФ» фолианти яратилди. Препарат маҳаллий хом ашёлардан олинган бўлиб, у бир вақтнинг ўзиде гўза барглари тўкиши ва кўсақларининг етилишини тезлаштириш хусусиятига эга.

● «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан жойларда «Бунёдкор» меҳнат отрядлари ташкил этилаётган бўлиб, унинг таркибидан ўрин олган талабалар ёзги таътил чоғида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. Жумладан, Навоий вилоятида ушбу лойиҳада 500 дан ортиқ талаба қатнашмоқда.

ЖАҲОНДА

● Бугун БМТнинг навбатдан ташқари тезкор йиғилишида Гондурасдаги давлат тўнтариши масаласи кўриб чиқилади. Унда муҳолифат томонидан ағдарилган давлат раҳбари М.Селайнинг ҳам сўзга чиқиши кўзда тутилган.

● Тинчликпарвар кучларнинг дастлабки гуруҳи Абхазияни тарқ этмоқда.

● Нигер Президенти М.Танджа сайлов жараёнида ўзига ҳалал берган мамлакат Конституцион судини тарқатиб юборди.

● Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефть нархининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.

● Италиянинг шимолий қисмида газ тўлдирилган икита цистернанинг портлаши натижасида 6 киши ҳалок бўлди, 40 дан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Хитойнинг Хунан музофотидаги Чэньчжоу вокзалида икки йўловчи поезди ўзаро тўқнашиб кетди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида уч киши ҳалок бўлди, 60 нафардан ортиқ одам тан жароҳатлари олди. Ҳозирча фалокатнинг нима сабабдан рўй бергани ҳақида маълумотлар йўқ. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

● Косово Бутунжаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлди.

● Кеча Ҳинд океанининг Комор ороллари худуди атрофида Яман мамлакатининг бортида 150 нафар экипаж аъзолари ва йўловчилар бўлган ҳаво кемаси ҳалокатга учради. Ҳозирча йўловчиларнинг тақдири номаълум.

● Приморье ўлкасининг Артём шаҳрида авиадиспетчернинг гиёванд моддаларидан сархуш ҳолатда юрганлиги аниқланиб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Маълум бўлишича, ушбу авиадиспетчер шундай нозик соҳада фаолият кўрсатса-да, узок вақтдан буён гиёванд моддаларни истезмол қилиб келаркан.

● Кеча Хитойнинг Сичуан музофотида Рихтер шкаласи бўйича 5,6 балли зилзила содир бўлди.

● Камбоджада мамлакат бош вазири Хун Сен ҳаётига суиқасд уюштирилди. Бош вазир қароргоҳи олдида юз берган портлаш натижасида икки киши яраланган бўлиб, Хун Сеннинг ўзига ҳеч қандай шикаст етмаган. Ҳозирча мазкур қабиҳлик орқасида қандай кучлар тургани аниқ эмас.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йўналишда жахондаги нуфузли молия муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар юксак самаралар бермоқда. Озик-овқат маҳсулотларини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, чақалоқларни кўкрак сути билан озиклантириш, болаларни ва туғруқ ёшидаги аёлларни витаминлар, шифобахш препаратлар билан таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар шулар жумласидандир.

Бундай чора-тадбирлар аҳоли, айниқса, оналар ва болалар ўртасида темир моддаси танқислиги ва йод етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган хасталикларнинг олдини олиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъ-



минлаш, миллатимизнинг генфондини мустаҳкамлаш, инсон умрини янада узайтиришга хизмат қилаётир. Аҳолининг овқатланиш даражасини янада яхшилашга доир миллий стратегия бунда муҳим ўрин тутати.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузурида мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича марказ

ЯНГИ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МАРКАЗ ТАҚДИМОТИ

очилди. Шу муносабат билан давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги илм-фан ва олий таълим муассасалари олимлари ва мутахассислари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари М.Шарифов, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш ти-

миллий стратегия босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли, хусусан, оналар ва болалар ўртасида камқонлик хасталигини кескин камайтириш, йод етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлади.

Болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва бу йўналишда илгор тажрибаларни соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш мазкур стратегиянинг устувор йўналишларидан бирidir. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти базасида очилган Жа-

хон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилаётган туғилиш мезонларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича иш олиб борадиган янги марказ юртимиз тиббиётининг соҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда унни бойитиш, тузни йодлаш, оналар ва болалар ўртасида темир ва бошқа фойдали моддалар, микроэлементлар танқислиги туфайли келиб чиқадиган хасталикларнинг олдини олиш бўйича бажарилаётган лойиҳалар самарасига бағишланган маърузалар тингланди. **Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири**

Транспорт ИЛФОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўл транспорти маъмурияти кенгашининг эллигинчи мажлисида халқаро поездлар ҳаракати жадвали, юк поездлари ва контейнер вагонлар тузиш режаси ишлаб чиқилди.

Халқаро ташкилотга аъзо давлатларнинг узок йиллар фаол меҳнат қилган илгор темирйўлчиларини мукофотлаш тадбири ҳам кўрилди. Кенгаш баённомасига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли жамоалар вакиллари ҳам темирйўл транспорти маъмурияти кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент минтақавий темир йўл узели, «Йўловчи» вагонларни таъмирлаш заводи» илгорлари ҳам бор.

ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШ КАСБ ЭТГАН

Шаҳримиз аҳолисига қулайлик туғдириш мақсадида энг замонавий транспорт воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Германиядан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобусларининг янги русумдаги намуналари ҳам йўловчиларга манзур бўлмоқда. Бундай транспорт воситалари замонавий кўриниши, ҳайдовчилар учун бошқарув тизимининг қулайлиги, барча тузилмаларни электроника орқали бошқариш каби афзалликлари билан ажралиб турибди.

Шунингдек, автобуслар бошқарувида автобус борт компютери ҳам ўрнатилган бўлиб, у ҳайдовчиларни барча тизимларнинг техник ҳолати, ишлаш жараёни бўйича огохлантириб туради. Шунингдек, бошқарув чамбарагини айлантириш қулай, ўриндиқлари ҳайдовчи бошқариши учун мослаштирилган.

СЕРВИС ХИЗМАТИ МАРКАЗЛАРИ

«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси таркибиде сервис хизмати кенг йўлга қўйилди.

Автобусларни қайта тиклаш ва жорий таъмирлаш жараёни эндиликда «Биринчи автотамир сервис» шўъба корхонасида, 2-автобус саройида, 7-автобус саройи очик акциядорлик жамиятларида ҳам олиб борилмоқда.

Таълим ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда архитектура-қурилиш таълими йўлга қўйилганлигига 80 йил бўлди. Шу муносабат билан «Архитектура — 2009» республика танлови ўтказилди. Бу беллашувда Тошкент Архитектура-қурилиш институти талабалари ҳам ўз билим ва малакаларини намойиш қилдилар.

«Гран-При»ни қўлга киритган иқтидорли ёшлар фаолияти эса Германиянинг Дрезден техника университети томонидан муносиб тақдирланди.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти тақлифи билан республикамизга ташриф буюрган германиялик мутахассислар «Бўлажак архитекторлар» деган мавзуда уюштирилган анжуманда маърузалар билан ҳам қатнашдилар.

Фан ЎСИМЛИКНИНГ НОЁБ ТУРИ

«Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази тажриба майдонларида ўсимликларни иқлимлаштиришга оид қузатишлар олиб борилиб, иjobий натижаларга эришилмоқда.

Ўрта Осиёга оид тадқиқотлар эса халқаро доирада эътироф қилинди. Шу йўналишдаги изланишлар жараёнидаги ноёб ўсимлик тури ҳам аниқланди. **Акбар АЛИЕВ**

Анжуманлар ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Юнусобод туманида жойлашган 7-шаҳар клиник шифохонасида Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобини муҳокама қилиш мақсадида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Юнусобод туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман маънавият тарғибот маркази, Тошкент Молия институти ҳамда бир қатор муассасаларнинг фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар йилгиланларга асарнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юрита туриб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга таъсири, унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг самараси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йилгиланлар ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг тез суръатларда тарқалишининг салбий оқибатлари ҳар қандай жамиятни ҳам ўз исқанжасига олиши мукддарилиги ҳамда юртимизда инқирозга қарши чоралар дастури асосида инқироз оқибатларини юмшатиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида етарлича маълумот олишди.

Баҳоидир ХОЛМАТОВ

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози етказадиган таъсирларнинг олдини олиш, бу борада қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига киради.

Шу маънода жорий йилнинг май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида касба уюшмалари ходимлари ва фаоллари учун ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Бу тўғрисида Федерация Кенгаши раёсатининг тегишли қарори қабул қилиниб, семинарларнинг ўтказиш жадвали тасдиқланган. Режага мувофиқ мазкур семинарларда республика бўйича 3 мингдан ортиқ киши иштирок этиши мўлжалланган. Кунги кеча эса Тошкент шаҳар касба уюшмалари ходимлари ва фаолларининг ўқув семинари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган тадбир давомида мамлакатимиз ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурнинг бажарилишига қўмақлашишда касба уюшмалари органлари вазибаларини жойларга етказиш, касба уюшмалари ходимларининг сиёсий, ҳуқуқий, маданий онгини ошириш, уларга касба уюшмалари олдига турган вазифаларни теран, аниқ ҳис этишларига қўмақлашиш, қолаверса, бўлажак ҳисобот-саноатлар олдидан улар билан яна бир бор учрашиб, жойларда юзга келаятган муаммоларни ҳал этиш йўллари билан биргаликда белгилаб олиш, келгусидаги фаолиятда қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида имкон қадар услубий ёрдам кўрсатиш ма-

салалари юзасидан фикр алмашинди. Ўқув семинарини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова кириш сўзи билан очди.

Касба уюшмалари ташкилотларида ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ЎҚУВ АНЖУМАНИ

Шундан сўнг, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёровнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастури бажарилишига қўмақлашиш чора-тадбирлари», Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Зафар Тўйчиевнинг «Тошкент шаҳри аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар», Маънавият-тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниевнинг «Маънавий-маърифий, гоғийий-мафқуравий тарғибот тадбирларини амалга ошириш юзасидан 2009 йилдаги вазифалар», Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя

қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаевнинг «Меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касба уюшмаларининг вазифалари», Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг мудири Урал Адилонинг «Меҳнат муҳофазасига оид қоидаларга амал қилиш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш» сингари мавзулардаги маърузалари тингланди.

Бундан ташқари Абдусалом Рисқуллаевнинг «Ҳуқуқий маданиятни ошириш масаласи», Федерация Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Садриддин Сайфуллаевнинг «Касба уюшмалари органларида маданий-маърифий ва спорт ишларини такомиллаштиришнинг баъзи масалалари», Федерация Кенгаши ижтимоий сугурта бўлими етакчи мутахассиси Нигора Ишанханованинг «Ижтимоий сугурта бюджети маблағларидан мақсадли фойдаланиш» сингари мавзулардаги маърузалари иштирокчилар томонидан илиқ қарши олинди.

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ўқув-семинарларини ташкил этиш кун тартибидеги асосий масалалардан биридир, — дейди «Тошбозортайёрлов-савдо» ўшмаси бирлашма касба уюшма кўмитаси раиси Аҳмадхон Эргашев биз билан сўхтабди. — Негаки касба уюшмаси ходимларининг бугунги ислохотларни янада чуқурроқ тушунишида, ўзгаришлар мазмун-моҳиятини теранроқ илғашда бундай тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. **Хидирали ПАНЖИЕВ**

ГИЁВАНД МОДДАЛАРСИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Гиевандликка мубтало бўлган инсон нафақат ўз шахсий ҳаётини балки, жамиятини ҳам таназзулга бошлайди. Бугун аср вабоси деб ном олган бу бало барча даврларда ва барча мамлакатларда қораланиб келган.

Бу разолат ботқоғига ботиш, хатто ўрта мактабда таълим олаётган ёшлар, талабалар, аёллар ўртасида ҳам учраб, илдири олаётгани кишини ташвишга солади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сурунқаси гиевандлик моддаларини истеъмол қилган инсоннинг асаби доимий равишда таранглашадиган, таъсирчан ва иродасиз бўлиб қолади. Уйлаб кўринг, гиеванд она дунёга келтирган ёки носоғлом муҳитда вояга етаетган фарзанддан келгусида нима кутиш мумкин?

Ўзбекистонда ҳам мазкур глобал муаммонинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Жорий йилнинг июнь ойининг «Гиевандликка қарши кураш ойи»ги деб эълон қилиниши замирида ҳам айнан ана шу мақсад муҳасам. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Мақмаииси томонидан эълон қилинган сўнгги даврда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча жамоат идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотлар гиевандликка қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётир. Жумладан, махсус режага кўра, Республика халқ таълими вазирилги томонидан гиеванд моддаларни соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида таълим муассасалари қошида ташкил этилган соғломлашти-

риш майдончалари ҳамда ёғзи оромгоҳларнинг дам олувчилари ўртасида «Гиевандлик билан эмас, спорт билан машғул бўл» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда, гиеванд моддаларни истеъмол қилишнинг инсон организм ва руҳиятига салбий таъсири ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилаётир.

— Еш авлодини турли ёт гоғлардан асраш, уларнинг келажига ҳаф солувчи иллатлардан ҳимоя қилишга барча бирдек масъул — дейди Халқ таълими вазирилги Маънавий-ахлоқий тарбия бoшқармаси етакчи назоратчиси Равашан Эргашев. — Айтиш мумкинки, бу борада вазирилги тизимида бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур олийк доирасида ўқувчиларнинг ёғзи оромгоҳлари ва мактаблар қошидаги соғломлаштириш майдончалари тарбияланувчилари ўртасида «Келажимиз — гиеванд моддаларсиз» мавзусида асфальтга расм чизиш танлови, «Гиевандликка қарши кураш — барчаннинг бурчи», «Мен ўз йўлиمنى танладим» мавзуларида савол-жавоб кечалари ташкил этилмоқда. Бундан кўнланган асосий мақсад фарзандларимиз гиевандликнинг аянчи оқибатлари ҳамда уни соғлиққа, ақлга салбий таъсир қилувчи иллат эканлигини ёшлитиданок

англаб етмоғи ва бундан бохабар бўлимоғи лозим. Вазирлик томонидан нафақат мазкур олийк давомида, балки гиеванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва гиевандликка қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тузилган бўлиб, унда ўзвчи ёшлар орасида ушбу иллатнинг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бoриш, таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғибот этиб, миллат келажиги саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи оғир асоратли касалликларга қарши кенг жамоатчилик курашини ташкил этиш режалаштирилган.

Р.Эргашевнинг таъкидлашича, ушбу иллатга оид ўқув йили давомида турли тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб бoрилади. Хусусан, 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Гиевандликка қарши бирлашайлик» мавзусида расмлар кўрик-тановини ўтказилиб, танлов гоғлибларининг иждоий ишлари таъсирланган 2009 йил тақвимида республикамиздаги барча мактабларга етказиб бoрилди. Бундан ташқари, «Инсон ҳаёти бебаҳо нoмат, риштасин кесолмас ҳар қандай иллат», «Евузлик қўлида бўлма кўгирчоқ», «Гулдайин бағринга бoсма андовни» номли плакатлар, «Зул-

АСР ВАБОСИ

Ийигит — Ранги заъфарон, нигоҳи сўйиқ. Кулоғи эшитмас, холи паришон, Кўзи олазарақ, эшитмас ўғит.

Хаёлида фақат ул захри-қотил, Ота-она орзуси бўлди-ку

чил-чил. Оила, муҳаббат, садоқат, меҳнат, Энди таназзулга учради буткул.

Тугилар, ўт олар кўксимда тугён, Хайқириб портлайди бу ўтли вулқон.

Нахотки бўлмаса биронта чора? Бўлиб қолдимиз баъзилар шундай бечора?

Эй ҳокими мутлоқ, мардуми, фалак Фарзандлар қалбиде қолмасин иллат.

Ўзинг шифо бергин мардонларга, Қолиб кетмасин бош остоналарда.


Аср вабоси бу, хурматли юртдош, Ҳамиятинг очгин азиз замондош.

Қуриб битсин энди ҳар қандай иллат Фарзандлар бошига тушмасин қулфат.

Илёс ЮНУСОВ, Тошкент Тиббиёт академияси доценти

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Болаларнинг ёз давомида бўш вақтлари кўп бўлиб, соғломлаштириш оромгоҳларида улар билан турли қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш қулайдир. Шу боис ёзги оромгоҳларда болаларнинг маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш, урф-одатларимиз, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, маданий меросимизни ўргатиш юзасидан жуда кўп қизиқарли тадбирлар ташкил этилмоқда.



расмлари кўпчилигининг диққат-эътиборини тортди.

— Ҳувиқчиларнинг ёзги дам олишлари-ни юқори савияда ташкил этиш ва уни мазмунли ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимдаги умумтаълим мактаблари қошида жорий йилда 36 та оромгоҳлар ва 215 та соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган бўлиб, мактабларда очилган оромгоҳларга 15400 нафар ўқувчилар қамраб олинган, — дейди шаҳар Ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбар ўринбосари Раъно Маъдиева. — Биз ҳар йилги аёнага кўра ёз мавсумида болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш, уларнинг ижодий салоҳиятларини ривож-лантириш, тафаккурини бойитиш, жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш мақсади-да мана шундай фестиваллар, танловлар ўтказиб келамиз. Бугунги фестивалга шаҳ-римиздаги мактаблар қошида ташкил этил-ган оромгоҳларда дам олаётган болалар, туман Ўқувчилар ижодиёт марказлари тўғ-рак аъзолари ҳам таъриф буюришган. Улар олтин йўналишда ўзларининг истеъ-додлари ва маҳоратларини намойён этишди.

Шу кунги болажонлар турли хил йўна-лишлардаги кўноқ викторина ўйинлари-да иштирок этиб, болалиқнинг сеҳрли оламига сەҳват қилгандек бўлдилар.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Бобур номидаги мадани-ят ва истироҳат боғида бўлиб ўтган фестивалдан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

Спорт

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Қозоғистонда энгил атлетика бўйича уюштирилган XIX аёнавий халқаро турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртларимиз Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди.

Гап шундаки, спортчиларимиздан Юлия Жичкина, Сергей Тимшин, Григорий Камуля, Татьяна Кузнецова, Лилия Дусметова, Анна Сидоровалар энгил атлетиканинг турли йўна-лишларида бошқа рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб олтин медалларни кўлга киритишди.

Шунингдек, Екатерина Тунгускова 1500 ва 3000 метрга югуриш, Александра Котлярова уч хатлаб ва баландликка сакраш баҳслари-да шохсупа тўридан жой эгаллашди.


Дарвоқе, спортчиларимиздан Анастасия Порошкина, Лидия Шахворостова, Оксана Ко-шелева, Юлия Жичкина 1000 метрга, Зари-на Тоирова, Анна Сидорова, Зарина Қоди-рова, Наталья Асановаларга 400 метр масо-фага эстафета мусобақасида биринчи ўрин эгаси бўлиш насиб этди.

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

Шаҳримизда шахмат бўйича жаҳон чемпионатиға йўлланма берувчи минтақавий саралаш мусобақаси бошланди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикалари-нинг энг иқтидорли «ақл гимнастикаси» ус-талари голиблик учун донна суратган ушбу турнирда юртимиз шарафини Сайдали Йўлдошев, Антон Филиппов, Марат Жума-ев, Жўрабек Хамроқулов, Андрей Каюн, аёл-лар баҳсларида эса Нафиса Мўминова, Юл-дуз Хамроқулова, Ольга Собирова, Ноди-ра Нодиржонова ва Хулкар Тоҳиржонвалар ҳимоя қилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

БЕРДАҚ

Бер деганда, дўстингга бер,
Қилма юзингни қора ер,
Асло кеккайиб бўлма шер,
Насихатимни илгайсан.

Йигит қаноти от бўлар,
От — минганга қувват бўлар.

Маслаҳатим олсанг, иним,
Бошингда гар бўлса билим,
Шудир айтиб бўлган ерим,
Ҳолингни бил, нодон бўлма!

Ёмон бўлса қариндошинг,
Қуйиб-пишиб чиқар жонинг,
Гул юзингдан қочар қонинг,
Ўлсанг ҳамки, у қарамас.

Тансоғлиқдир — олтин тахтинг,
Қийшайсанг, ҳеч ким қарамас.

Молинг бўлмаса кўлингга,
Ётар душманинг йўлингга,
Дўстинг бўлса ҳам ёнингга,
Ҳол-аҳволингни сўрамас.

Моли борнинг дўстлари кўп,
Молсиз юрар ваҳима еб,
Дунё сени кетар алдаб,
Кетган давлат ҳеч қарамас.

Бошингни тошга урсанг ҳам,
Сингунча бўйнинг бурсанг ҳам,
Зор йиғлаб йўлда турсанг ҳам,
Кетганлар қайтиб келарми?

Тўйга одам кўп келади,
Иззат кўрай деб келади.

Юртга ёқмас ёлгон сўзинг.

Мард бўлган ваъдада турар,
Сўзни бузгани онт урар.

Одам бўлсанг, обрўй изла,
Чин ўтирар ўрнинг изла.

Ҳар кимнинг бир иқболи бор.

Яхши одам сақламас кек.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Фатҳиддин Тўхтаевич Расу-ловга падари бузруквори

Тўхта ота РАСУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(Газетанинг навбатдаги сони 2 июлда чиқади)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг
“Тошавтобустранс” ва “Тошэлектротранс” компаниялари
ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;

трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;

троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;

чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустранс” Акциядорлик компанияси: 233-59-38

“Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75

2009 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 3 ИЮЛГАЧА «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА ХХР СИНЦЗЯН ТАДБИРКОРЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсу-лотларини ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, ка-беллар, трансформаторлар, ёқиш, ўчириш мослама-лари, асбитли черепица ва гиштлар намойиш этила-ди. Кўрғазмадан шунингдек, экскаваторлар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналари, нефт ва минерал маҳсулотлари, қурилиш материаллари, тиббиёт уску-налари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олади.

Кўшимча маълумот юзасидан қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:
150-31-01, 150-31-02.

Кўрғазма Урумчи шаҳри ҳокимияти, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги савдо ди-рекцияси, ХХР халқаро савдонинг ривожлантириш бўйича қурилиш ишлаб чиқариш қўмитасининг Син-цзян филиали, СУАР миллий ишлар қўмитаси, шу-нингдек, СУАР Электротехник тармоғи маъмурия-ти ва Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси, Exprocontact томонидан қўллаб-қувватлангани ҳолда ташкил этилди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қили-нади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилди. Қўғоғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

15679



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32